

**Урф-Одатлар-Анъанавий Маданиятнинг Мухим
Компоненти**



З. А. Шамсиева

БухДУ “Бухоро тарихи” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация:

Ушбу мақолада этнография фанининг асосий предмети ҳисобланадиган анъанавий маданиятнинг компонентларидан бири бўлган урф-одатларнинг миллат маънавиятида, унинг ўзликини англашдаги роли хусусида сўз боради.

Ключевые слова:

этнография, анъанавий маданият, урф-одат, қадрият, маънавий мерос

Бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олиш мақсадга мувофиқ бўлмоқда. Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди.¹ Дарҳақиқат, бугунги давр ҳар бир халқ тарихини, миллий қадриятларини, маданий меросини чуқур ва атрофлича ўрганишни шу асосда—эзгулик foяларини янада мустаҳкамлашни зарурий вазифа сифатида кўймоқда. Зоро, биринчи Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: “Урф-одат, қадриятларимиз, меросларимиз моҳиятини ёшлар онгига сингдириш, миллий ва умуминсоний қадриятларимизнинг беғуборлигини сақлаган ҳолда ёшларга етказиш, улар маънавияти покланишининг муҳим омилларидан биридир.”² Шундай экан, халқ ижтимоий-бадиий тафаккурининг ҳосилларидан бири сифатида авлоддан-авлодга ўтиб, инсонларга ижтимоий-эстетик таъсир кўрсатиб келаётган урф-одат ва маросимларимиз таг замиридаги сирларни янада чуқурроқ ўрганишга ва бу ишга ёш авлодни ҳам жалб этишга тўғри келади.

Маълумки, мустақиллик даврида барча соҳалар сингари халқимизнинг қадимий урф-одатлари, мифологик ва диний тасаввур-тушунчалари ҳам тарихий-мифологик ҳам этнографик аспектда ўрганилиши йўлга қўйилди. Чунки урф-одатларимиз энг қадимги даврлардан бери яшаб келиб миллат рухиятига хос туйғуларни ўзида мужассамлаштириши билан эътиборга лойикдир.

Урф-одат ва анъаналаримиз тарихига кейинги йилларда бир қадар қизиқиши кучайганлиги сезиларли самара бермоқда. Айниқса улар кун сайин унутилаётган миллий қадриятларимизнинг муҳим таркибий қисми эканлигини ойдинлаштиришга қизиқиши кучайгандан-кучаймоқда.

Миллийлик миллатни миллат, халқни халқ сифатида намоён қилувчи, салқаб қолувчи ва ривожланиш билан кундан кун, йилдан йил сайқал топиб борувчи юксак маънавий тушунчадир. Инсоннинг, жамиятга таъсири шу миллийликка йўғрилган бўлиб, унинг ҳар бир ҳатти-харакатлари ва ақлий имкониятларида намоён бўлади. Асрлар оша шаклланган урф-одатлар, қадриятлар маънавиятнинг даражасини белгилаб беради. Аслида маънавий обективлашган қадриятлар ва урф-одатлар тизим бўлиб, маънавий маданият сифатида эса миллатнинг ўз-ўзини англаш, рухиятини, иродасини, онгини, ижтимоий амалиётини такомиллаштириш имкониятлари ва воситаларининг эришилган даражаси, жамиятнинг маданий савиясидир.

Миллий анъана ва қадриятлар миллатнинг юзага чиккан ақлий ва рухий салоҳият ҳамда ижодкорлик қобилиятидир. Бу салоҳият ва қобилият асрлар давомида тобланиб, унинг тарихий бунёдкорлик, диний ва дунёвий тажрибасини ўзида мужассам этган. Шу жиҳатдан миллийликка ва унинг таркибига кирувчи барча маросим ва урф-одатларга барқарорлик хос. Шундай бўлсагина бундай қадриятлар асрлар оша ҳукмронлик қиласди ва миллатга нисбатан муқим, мустаҳкам фикрлар айтилади. Бу эса ёшлар онгига ҳам бўлиниш, икки хиллик, бекарор

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.–Т.: Маънавият, 2008.–Б.30

² Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1997.–Б.245.

туйгуларни олдини олишга ва келажак овлод миллат ғуури, миллий маданият ва маънавиятни юксалтирувчи ва уни рухиятида ўрин олиишини таъминлайди.

Миллатнинг таназзули–миллий қадриятларнинг таназзулидир! Бу оқибат натижасида ушбу қадриятларнинг эгасиз қолиш хавфини туғдиради. Инсоният–тарихи муайян этносларнинг вужудга келиши тараққиёти ва таназзули, уларнинг ўрнига бошқалари вужудга келишидан иборат жараёндир, дея эътироф қилиниши бутунлай нотўғри дейиш қийин. Бундай қараш эса ўз навбатида ғоят муҳим ва долзарб масалага, яъни миллат миллий қадриятларининг обьекти ва эгаси сифатида ўз-ўзини салқаб турмоғи, ўзининг авлодларини асраб-авайламоғи лозим, деган масалага олиб келади.

Барчамизга маълумки, ҳар бир давлат ўзининг бетакрор тарихи ва маданиятига эгадир. Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса ҳақли равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади³. Ҳар бир илм ва санъатнинг бориб тақаладиган бошланиш жойи бор. Шу бошланиш жойга яқинлашган сари, то ўзига бориб етгунча соддалашиб боради⁴.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.: Ўзбекистон, 2016.–Б.5.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.–Т.: Маънавият, 2008.–Б.30
3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1997.–Б.245
4. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Танланган асарлар. Т.1.–Т.:Фан, 1968.–Б.63.

³Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.: Ўзбекистон, 2016.–Б.5.

⁴Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Танланган асарлар. Т.1.–Т.:Фан, 1968.–Б.63.